“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Баённомаси

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй, “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биноси.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2022 йил 10 март, соат 15: 00.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш вақти: соат 14-30 дан 15-00 гача.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони: 4 453 008 та овозни ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этган акциядорлар:

1. "O`zbekiston temir yollari" АЖ номидан - "O'zbekiston temir yo'llari" АЖ бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович, 2 145 024 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 48,17 фоизини ташкил этади;

2. Давлат активларини бошқариш агентлигидан (ДАБА) – ДАБА бош мутахассиси Эргашев Алишер Рахматиллаевич (2022 йил 16 февралдаги 03/08-2-18/430 сонли ишончномага асосан), 1 429 008 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 32,09 фоизини ташкил этади;

3. «Hamroh Invest» АЖ номидан - директор Аълаев Акрам Турсунович (2021 йил 25 июндаги 6/1-сонли буйруқга асосан), 273 840 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 6,15 фоизини ташкил этади;

4. “Mo'jiza biznes gold” МЧЖ – ишончли вакил Аълаев Акрам Турсунович (2022 йил 21 февралдаги 1- сонли ишончномага асосан), 227 130 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 5,10 фоизини ташкил этади;

5. жисмоний шахслар – 10 083 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 0,23 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этган шахсларнинг умумий овозлар сони: 4 095 168 овоз ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг 91,96 фоизини ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этиш учун қуйидаги шахслар таклиф этилди:

"Boshtransloyiha" АЖ бош директори - Рузиев Рустам Васикович;

"Boshtransloyiha" АЖ бош ҳисобчиси - Израильбекова Ильмира Исмаиловна;

"Boshtransloyiha" АЖ Молия (Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш) директори - Расулев Ардашер Алишерович;

"Boshtransloyiha" АЖ корпоратив маслаҳатчиси - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич ва бошқалар.

Йиғилишда саноқ комиссия вазифасини 2021 йил 10 июндаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланган таркибда - И.И. Израильбекова, У.М. Юлдашев ва Е.А. Рогожкиналар олиб бордилар.

У.М. Юлдашев Йиғилиш иштирокчиларига кворум 91,96 фоизни ташкил этиши ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддасига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди.

Юқорида номи қайд этилган қонуннинг 58-моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан олиб борилади.

Шунга кўра Йиғилишни Кузатув кенгашининг раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович олиб борди.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси Х.Н. Хасилов акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва қуйидаги овоз бериш тартибини таклиф қилди:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниши;

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилиниши.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 095 168 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Қуйидаги овоз бериш тартиби тасдиқлансин:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади;
- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилишнинг ишчи органлари - Раёсат ва мажлис котибиятини сайлаш лозим. Раёсат таркибига уч кишини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

1. Хасилов Хуснутдин Нуриддинович - Кузатув кенгаш раиси;
2. Эргашев Алишер Рахматиллаевич -Кузатув кенгаш аъзоси;
3. Рузиев Рустам Васикович - "Boshtransloyiha"АЖ бош директори.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 095 168 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш баённомасини юритиш учун Юлдашев Улуғбек Михлибаевични мажлис котиби этиб сайлаш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 095 168 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

- Йиғилиш Раёсати қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Хасилов Хуснутдин Нуриддинович - Кузатув кенгаш раиси;
2. Эргашев Алишер Рахматиллаевич -Кузатув кенгаш аъзоси;
3. Рузиев Рустам Васикович - "Boshtransloyiha"АЖ бош директори.

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич йиғилиш котиби этиб тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Хасилов Х.Н. акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;
- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 095 168 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;

- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ва кун тартиби "Биржа" газетасининг 2022 йил 15 февралдаги 12 (2895)- сонли нашрида чоп этилганлигини қайд этди ва кун тартиби мухокамасига ўтишни таклиф қилди.

Кун тартиби:

1) "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.

2) "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Асқаров сўзга чиқиб, Жамиятнинг йирик акциядори "O`zbekiston temir yo`llari"АЖнинг 2022 йил 02 февралдаги 01/308-22 сонли талабномаси (матн давомида - талабнома) билан жамиятнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзоси бўлган Хасилов Хуснутдин Нуриддинович ўрнига "O`zbekiston temir yo`llari" АЖда Бошқарув раисининг ўринбосари в.б. лавозимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган Раджапов Мансур Кучкарович номзоди таклиф этилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 63- моддасига асосан ушбу акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилганлиги қайд этилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. "O`zbekiston temir yo`llari" АЖнинг 2022 йил 02 февралдаги 01/308-22 сонли талабномасини маълумот учун қабул қилиш.

2. Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичнинг "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 095 168 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. "O`zbekiston temir yo`llari" АЖнинг 2022 йил 02 февралдаги 01/308-22 сонли талабномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичнинг "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Асқаров сўзга чиқиб, "O`zbekiston temir yo`llari"АЖнинг талабномасига биноан жамият кузатув кенгаши аъзолигига "O`zbekiston temir yo`llari" АЖда Бошқарув раисининг ўринбосари в.б. лавозимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган Раджапов Мансур Кучкарович номзоди киритилганлиги маълум қилди ва ушбу номзодни сайлаш таклифини киритди.

Юқоридагиларга биноан ушбу масала юзасидан овоз беришда кумулятив усулдан фойдаланиш таклиф этилди.

Муҳокамадан сўнг масала овозга қўйилди:

"рози"	Раджапов Мансур Кучкарович - "O`zbekiston temir yo`llari" АЖда Бошқарув раисининг ўринбосари в.б.	4 095 168

Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан қабул қилинган қарор:

1."Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши таркибига, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар Раджапов Мансур Кучкарович сайлансин.

Ушбу билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади, Йиғилиш раиси Х.Н.Хасилов Акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчиларига йиғилишда қатнашганлиги учун миннатдорчилик билдирди ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома икки нусхада тузилди ва 2022 йил __ _____ имзоланди.

Йиғилиш раиси **Х.Н. Хасилов**

Йиғилиш котиби **У.М. Юлдашев**